



ENDOCARDIAL FIBROELASTOSIS (ENDOCARDIAL FIBROELASTOSIS, ENDOMIOCARDIAL FIBROSIS)

Kudratova Gulsara Najmitdinovna

Kholmuradova Zilola Ergashevna

Department of Pediatrics, Faculty of Medicine. Samarkand. Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13379109>

ARTICLE INFO

Received: 22th August 2024

Accepted: 26th August 2024

Online: 27th August 2024

KEYWORDS

Endocardial fibroelastosis, children, treatment.

ABSTRACT

Endocardial fibroelastosis is considered one of the serious diseases, which is caused by congenital or acquired diffuse thickening of the endocardial layer as a result of connective tissue growth of one or more heart chambers. The clinic of the disease is manifested by signs of heart failure (rapid heartbeat, shortness of breath, swelling in the peripheral area and rhythm disturbances (dizziness, fainting). Patients are diagnosed based on the results of electrocardiography, echocardiography, and endomyocardial biopsy. Medicines, anticoagulants, and antiarrhythmic drugs are used as treatment to relieve the symptoms of heart failure. In some cases, the heart is transplanted.

ЭНДОКАРД ФИБРОЭЛАСТОЗИ (ЭНДОКАРДИАЛ ФИБРОЭЛАСТОЗ, ЭНДОМИОКАРДИАЛ ФИБРОЗ)

Кудратова Гулсара Нажмитдиновна

Холмурадова Зилола Эргашевна

Даволаш факультети Педиатрия кафедраси. Самарканд. Узбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13379109>

ARTICLE INFO

Received: 22th August 2024

Accepted: 26th August 2024

Online: 27th August 2024

KEYWORDS

Эндокард фиброзеластози, болалар, даволаш.

ABSTRACT

Эндокард фиброзеластози- бу оғир касалликлардан бири ҳисобланыб, түгма ёки орттирилган эндокард қаватининг битта ёки бир нечта юрак камераларининг бириктирувчи түқима үсіб кишии натижасида диффуз қлинилашишидан келиб чықади. Касалликни клиникаси юрак етишмөвчилегини қўйидаги белгилари билан намоён бўлади (юракни тез уриши, ҳансираш, периферик соҳада шишлар пайдо бўлиши ва ритмни бузилиши (бош айланиши, ҳушдан кетиш ҳолатларини кузатилиши). Беморларга ташхис электрокардиография, ЭҳоКГ, эндомиокардиал биопсия натижалари асосида қўйилади. Даволаш сифатида юрак етишмөвчилегини белгиларини бартараф қиласиган препаратлар,



антикоагулянталар ва антиаритмик дори моддалари қўлланилади. Баъзи ҳолатларда юрак кўчириб ўтказилади.

Умумий маълумотлар:

Эндокард фиброэластози(ЭФ, эндомиокардиал фиброз, эндокардиал фиброэластоз) –бу юракни туғма ёки орттирилган патологияси ҳисобланиб, бунда эндокард деворида ва юракни ҳар хил қисмини субэндокардиал миокардида коллагенли ва эластик тўқималарни ўсиб кириши натижасида ривожланади.

Туғма фиброэластоз қўпинча туғма юрак нўқсонлари билан бирга қўшилиб келади (очиқ артериал йўл билан, ўнг қоринча гипоплазияси билан, клапан ости аортал стенози билан).

Ушбу патология 1000 та туғма юрак нўқсонига 4-17 та ҳолат учраши аниқланган. Касаллик аёл жинси ўртасида қўпроқ кузатилганлиги аниқланган.

Туғма ЭФ Африкада, жанубий-шарқий Осиё давлатларида ва жанубий Америкада кенг тарқалган. Орттирилган фиброэластоз ҳақида эпидемиологик маълумотлар йўқ.

Туғма эндокард фиброэластози сабаблари:

Аниқ сабаби маълум эмас. Бу касалликни ривожланишига ҳомила ичи инфекциясини урни аҳамиятли ҳисобланади

(Коксаки В, эпидемик паротит, цитомегаловирули инфекция).

ЭФ ривожланишида аутоиммун назарияси ҳам бор. Она қонидаги маҳсус аутоантитела билан ЭФ чақалоқларда ўзаро боғлиқлик борлиги аниқланган.

Наслий мойилликни ҳам аҳамияти бор. Кўп текширишлар натижасида аниқланганки ЭФ билан касалланган беморларда, X- хромосомани Xq28 соҳасида жойлашган коллаген ва эластин синтезини бошқарадиган G4.5 генини мутацияси аниқланган.

Орттирилган шакли

Иккиласми эндокард фиброэластозини келиб чиқишига баъзи бир юрак касалликлари таъсир қиласи, яъни органни тўқимасида ҳар хил метаболитлар тўпланади:

Буларга киради:

инфекцион миокардит;

дилатацион, гипертрофик кардиомиопатиялар;

Нимон-Пик касаллигида, гемохроматозда, амилоидозда

Патогенези

Бир нечта таъсирланувчи омиллар таъсирида юрак тўқимасида кузатиладиган номаълум сабаблар натижасида қуйидаги патологик жараёнлар ривожланади.



Миокардни ва эндокардни субэндокардиал қаватини эндотелиал хүжайралари мезенхиал хүжайрага трансформация бўлади (фибробластлар) ва ўсиш омили таъсирида бириктирувчи тўқима коллаген ва эластин толаларини синтезлаш бошланади. Ўсиш омилини фиброэластларни бошқаришини бузилиши фиброз даражасини кучайтиради. Натижада юракни бир ёки бир нечта қисмини (бўлмачалар, қоринчалар) эндокарди қалинлашади, юракни эгилувчанлиги пасаяди. Диастолик фаолияти бузилади, яъни юрак камераларида диастола вақтида қон билан тўлиши бузилиши.

Гемодинамик бузилиш келиб чиқади – бўлмачалар ва қоринчаларда босим ошади, шу билан бирга кичик қон айланиш доирасида томирларда ҳам босим ошади, систолик артериал босим пасаяди. Юрак бўшлиқлари кенгаяди, деворларида тромб ҳосил бўлади. Бириктирувчи тўқимани ўсиши юракни ўтказувчи тизимини фаолиятини ҳам бузилишига олиб келади.

Патологоанатомик ўзгаришларга киради- склероз ва эндокарда оҳакланиш, пайларни хордаларини қалинлаши, калталаши ва мушак толаларини гипертрофияси, айниқса папилляр мушаклар соҳасида.

Таснифи

Келиб чиқишига қараб бирламчи (туғма) ва иккиласмчи (орттирилган) эндокард фиброзастозига бўлинади. Туғма ЭФ изолирланган ва юракни органик заарланиши (туғма нўқсонлар) билан бирга келиши.

Фиброзни жойлашган жойига қараб бўлинади:

Чап қоринча ЭФ.

Бу шакли қўп учрайди, қоринча ҳажми жуда катталашади (дилатацион типи), ёки тескариси жуда кичрайиши мумкин (контрактил типи).

Ўнг қоринча ЭФ.

Фиброзастозни энг кам учрайдиган типи. Жараён ўнг бўлмачага тарқалиши мумкин.

Қоринчалар учи соҳасидаги ЭФ.

Бу ҳолатда ЭФ Девис касаллиги (гиперэозинофил эндомиокардиал касаллиги) деб номланади. Қоринчалар деворида типик тромблар ҳосил бўлади.

Эндокард фиброзастозини симптомлари

Тұғма шакли оғир тез прогрессивланувчи кечиш билан характерланади, ҳаётининг биринчи йилида клиник белгилари манифестланади. Ота-онаси болани ланжлигига, онасини кўқрагини суст эмишига ёки бутунлай әммай қўйишига аҳамият беришади. Тери қопламалари оқаради, тана вазни паст, бола доимо ўткир респиратор инфекция билан касалланиб туради. Кейинчалик димланган юрак етишмовчилик белгилари қўшилади – нафас олишини тезлашиши, юрагини тез уриши, цианоз (кўкариш), лаблари, бармоқ учлари кўкаради, гепатомегалия.

Орттирилган ЭФ.

Бу шакли билан катта кишилар касалланади. Клиник белгилари аста-секин ривожланади. Олдин ҳансираш пайдо бўлади, юрак уриши тезлашади, кичик жисмоний зўриқишларда тез чарчаб қолади. Кейинчалик тавонларида ва тиззадан пастки қисмларда шиш пайдо бўлади, жигарни катталаши тўфайли ўнг қовурға остида оғриқ



пайдо бўлади. Юрак ритмини бузилиш белгилари хуруж шаклида кечади, яъни беморни бошини айланиши, кўз олдини қоронғилаши, хушини йўқотиши ва ҳ.к.

Асоратлари:

ЭФ ни туғма шакли кўпинча болани ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни вужудга келтиради:

- бош мия тромбоэмболияси;
- мезентериал томирлар тромбоэмболияси;
- ўткир юрак етишмовчилиги (кардиоген шок, ўпка шиши);
- тўлиқ атриовентрикуляр блокада тўфайли юракни тўхтаб қолиши.

Иккиласми ЭФ да фиброз жараёни юрак клапанларига тарқалиши тўфайли юрак нўқсонларини ривожланишига олиб келади (митрал стенозига, аорта клапанини етишмовчилигига ва ҳ.к.), кейинчалик ўпка гипертензиясига олиб келади. Кам учрайдиган асоратларга киради миокард инфаркти ва қорин бўшлиғида, перикардиал ва плевра бўшлиғида сувни йиғилиши ҳисобланади.

Диагностикаси

Туғма ЭФ касаллар билан педиатрлар, болалар кардиолиги ва неонатологлар шуғулланадилар.

Иккиласми ЭФ касаллар билан маҳсус-кардиологлар шуғулланадилар.

Умумий куриқда аҳамият берилади -қорнини катталигига, беморни бармоқларини барабан таёқчасига ўҳашашлиги, гепатоюгуляр рефлюкс (ўнг қовурға остига босганда буйин веналарини буртиши). Юракни ва ўпкани аускультациясида юрак тонларини бўғиқлиги, галоп ритми ва кичик пуфакли намли хириллашлар эшитилади.

ЭФ ташҳисида аҳамиятли усуулларга қуйидагилар киради:

Электрокардиограмма.

ЭКГ да атриовентрикуляр блокада (АВ-блокада) I, II ва III даражаси, Фредерик синдроми (тўлиқ АВ-блокадаси ва бўлмачалар фибрилляцияси бирга қўшилиб келиши) кузатилади. Кўпинча Вольфа-Паркинсон-Уайта

синдромини белгилари, ёки WPW (P-Q интервалини қисқариши, QRS комплексини узайиши ва деформацияси дельта-тўлқинини борлиги), бўлмачалар ва қоринчалар гипертрофияси аниқланади.

Рентгенография.

Беморни рентгенограммасида кардиомегалия кузатилади (юрак ҳажмини кенгайиши), дилатационли ЭФ да юрак шакли шарсимон ва контрактиль ЭФ да трапедсиасимон бўлади. Ўпка гипертензиясида ўпка артериясини стволи узаяди ва буртиб чиқади, ўпка илдизини сояси кенгаяди ва ўпка суръати кучаяди.

Эхокардиография.

ЭхоКГ да эндокардни эхопозитивлиги кучайган (девори зичлашган ва қалинлашган), миокардни қисқарувчанлик хусусияти пасайган. Юракни туғма ва орттирилган нўқсонлари бўлса, унда клапанларни ва деворларини заарланганлиги ва ўпка артерияси тизимида босимни ошгани аниқланади.

ЭхоКГ билан ҳомилани 14-ҳафталигидан эндокард фиброэластозини ташҳислаш мумкин..

Гистологик текширишлар



Эндомиокардиал биопсия жуда кам ҳолларда қилинади. Морфологик препаратларни микроскоп остида күрганда субэндокардиал қисмida ва сурғич мушаклар соҳасида мушак толаларини гипертрофияси, фрагментацияси ва вакуолизацияси аниқланади. Эндокард ва миокарда фиброз, гиалиноз бўлиши хос

Қиёсий ташҳислаш.

ЭФ.ни туғма кардит билан, инфекцион этиологияли юрак касалликлари билан (вирусли миокардит, инфекцион эндокардит, ўткир ревматик иситма) ва метаболик бузилишлар натижасидаги касалликлар (мукополисахаридоз, гликогеноз) билан қиёслаш зарур.

Эндокард фиброэластозини давоси.

Консерватив даволаш

Этиотроп давоси йўқ.

Ҳамма bemорларни кардиологик шифохонага ётқизиш керак, агар bemор оғир бўлса реанимация ёки интенсив терапия бўлимида даволанади.

ЭФ туғма шаклини даволашни ҳозирги вақтда эффектив усувлари ишлаб чиқилмаган.

ЭФ орттирилган шаклини патогенетик даволаш учун юрак етишмовчилигини прогрессивланишини секинлаштирадиган дори препаратлари қўлланилади – АПФ ингибиторлари (периндоприл, эналаприл), бета-адренергик рецепторлар блокаторлари (бисопролол, метопролол) ва минералокортикоид рецепторлар антогонисти (спиронолактон).

Тромб ҳосил бўлишини олдини олиш учун антикоагулянтлар (варфарин, гепарин) берилади.

Аритмия хуружини (WPW синдроми) купировать қилиш, гемодинамикани бузилишини олдини олиш учун, вагус синамаси (каротид синусини массажи, Вальсальвал синамаси) ўtkазилади. аденоzинтрифосфат, верапамил Агар бу муоложалардан кейин синус ритмини тиклаб бўлмаса, унда электрокардиостимуляцияга мурожаат қилинади. Кейинчалик bemор доимо антиаритмик препаратлар қўллаб юриши керак.

Хирургик даволаш

Агар тез-тез хуружлар бўлиб турса ва дори препаратларига резистент бўлса, радиочастотли абляция ўтказилади. АВ блокадасини II ёки III даражаси аниқланса, унда электрокардиостимулятор урнатишга кўрсатма бўлади.). Бирдан-бир даволашни радикал усувлардан бири юракни трансплантация қилиш, бу фақат критик ҳолатларда қўлланилади.

Оқибати ва профилактика

Туғма ЭФ оғир касаллик ҳисобланиб, болаларни 90% икки ёшгача яшаши мумкин, қон айланишини етишмовчилиги натижасида ўлади. Асосий профилактикаси эрта пренаталь даврда ташҳис қутиш, тиббиёт кўрсатмаларига асосан ҳомилани олиб ташлаш ҳисобланади.

Орттирилган фиброэластоз туғма ЭФ га нисбатан яхшисифат ҳисобланади. Беморни ўлими юрак етишмовчилигидан, тромбоэмболик асоратлардан, ритмни бузилиши натижасида юракни тўхташи 25-30% ташкил қиласи.



Асосий профилактикаси ӘФ ривожланишига олиб келадиган асosий касалликларни даволаш.

References:

1. Кардиология и ревматология детского возраста/ под ред. Самсыгиной Г.А., Щербаковой М.Ю. – 2009.
2. Неонатальная кардиология/ А. В. Прахов. – 2017.
3. Эндокардиальный фиброзластоз у детей/ Афанасьева В.М., Козлов Б.В./
Педиатрия. – 2014-№8.
4. Кудратова Г., Холмурадова З. Болаларда ва ўсмирларда семизликни кечиши //Евразийский журнал медицинских и естественных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 110-114.
5. Гарифуллина Л. М., Холмурадова З. Э., Кудратова Г. Н. FEATURES OF IMPLEMENTATION OF CARDIOVASCULAR SYSTEM PATHOLOGY IN CHILDREN WITH OBESITY, IMPROVEMENT OF PREVENTION AND TREATMENT //ЖУРНАЛ ГЕПАТОГАСТРОЭНТЕРОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2023. – Т. 4. – №. 3.